



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@uzpak.uz

2002 йил 20 ноябрь, №251 (3079)

Чоршанба



Олий Мажлисида

Уй-жой таъминоти — долзарб масала

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда учта масала кўриб чиқилди. Биринчи масала юзасидан сўз олган ушбу қўмита раиси И.Кочмарик йилнинг иштороқларига иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнтинчи сессияси кун тартиби тўғрисида маълумот берди ва қўмитанинг бу борадаги вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Йилгилида «Узуйжойкам-гармабанк» орқали олиб борилаётган қурилиш суръатлари аҳоли талабини тўлиқ даражада қондираётганлиги ҳам таъкидлаб ўтди. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, банкда жамғарма ҳисоб рақам очган 1400 нафардан зиёд фуқаронинг қурилиш бўйича аризалари қаноатлантирилмаган. Сўнгги йилларда уй-жой қуриш ва фойдаланишга топшириш ҳажмининг пасайиб кетиши кузатишмоқда. Аини пайтда фойдаланишга топширилаётган уй-жойларнинг сифати ҳам талаб даражасида эмас. Мижозлардан тушган аризаларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, қурилиш бўйича шартнома муддатлари бажарилмапти, уйлари ўз вақтида фойдаланишга топширилмаётди. Бу ҳақида равишда мижозларнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Шу масала бўйича сўзга чиққан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова бу борадаги камчиликларни бартараф этиш ва фуқароларимизни уй-жой билан таъминлашга эътиборни қўйишни ҳақида тўхталиб.

Мажлисида қўмитанинг 2003-2004 йилларга мўлжалланган иш режаси ҳам маълумланди.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚИЗИЛҚУМ ХАЛҚА ЙЎЛИ ЭЛ ХИЗМАТИДА

Беноев Қизилқум чуқлида минг километрдан ортиқ йўллар бир-бири билан туташиб кетган. Навоий-Ўтемурад-Томди-Учкудук-Газ-Бухо-Навоий автоёли Қизилқум халқа йўли ҳисобланади. Унинг энг қийин бўлаги — Учкудук туманидаги «Узунқудук» кўрғонидан Пешку туманига қараб тортилган 35 километрлик қум ва туپроқ йўл ҳайдовчилар учун ноқулайлик туғдириб келар эди. «Қизилқум» йўллардан фойдаланиш божқармаси йўлсозлар уч ойда халқа йўлининг ушбу қисмига ҳам асфальт ётқизиб, фойдаланишга топширди.

Раёвон йўли Қизилқумда яшаб меҳнат қилаётган қўноқ-қўнликларнинг узогини яқин, овирини енгил қилди. Шу билан бирга савдо-сотиқ ишларини юритиш учун ҳам имконият яратилди. Йўлсозлар жорий йилнинг ўтган 10 ойида Учкудук-Нукус йўлида 29 чакирим, Учкудук-Томдигула-Бузовбой йўлида 9 чакиримлик йўлни қайта таъмирлади. Улар Қизилқум халқа йўлининг 500 километрлик қисмига хизмат кўрсатди. Йўлсозлар йил бошидан буюн 600 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ниҳоятга етказди.

Ёркул УМАР, ЎЗА мухбири.

«Ёғмоётамакисаноат» уюшмасида ёғмоё ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг тақдирини бўлиб ўтди. Унда Давлат мулк қўмитаси раҳбарлари, элчихоналар ва Ўзбекистон бозорига фаолият кўрсатаётган чет эл савдо ваколатхоналари ҳамда компаниялар вакиллари иштирок этдилар.

Акциялар сотувга чиқарилмоқда

Маълумки, уюшма таркибидagi корхоналар йилга уч миллион тоннагача хомашени қайта ишлайди. Усимлик ёғи ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатларида Россия ва Украинадан кейинги ўринни эгаллайди.

Инвесторларга Янгийўл ёғ заводи акцияларининг 51 фоизи, «Урганч» АЖ акцияларининг 44,6 фоизи, «Қўқонғезекстракция» АЖ акцияларининг 34,2 фоизи, «Косонғезекстракция» АЖ акцияларининг 44,2 фоизи савдога қўйилганлиги маълум қилинди.


Конституцияни ўрганиш — муқаддас бурч

Иккинчи чакриқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида Президентимиз Имом Каримов суд-ҳуқуқ тизimini эркинлаштириш ва демократиялаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб, жумладан, Тошкент давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб қолмай, ҳуқуқий тизimini ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарор лойиҳалари тайёрланганлигини ҳам таъкидлаб, таъкидлаб айтишга эътиборни таъкидлаган эди.

Институти профессор-ўқитувчилари Юртбошимизнинг ана шу кўрсатмаларига амал қилиб, халқро аюндозларга жавоб бера оладиган, замон руҳига мос дарсликлар яратиш борасида жиддий из-

лаштириш олиб борапти. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йилгиди олдидан Бош қўмитасининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тушунтиришга қаратилган илмий-оммабоп рисоалар туркуми яратилди. Мазкур рисоалар институти жамоасининг Бош қўнунимизининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-маъмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини шакллантириш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституциянинг тартиб ва ташкил қилиш борасида амалга ошираётган хайри ишларидан саналди.

«Президентлик институти», «Фуқароликнинг конституциявий асослари», «Шах-



сий ҳуқуқ ва эркинликлар», «Инсон ва унинг ҳуқуқлари», «Халқ ҳокимиятининг», «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари», «Конституция ва оила», «Жамоат бирлашмалари», «Прокуратура», «Оммавий ахборот воситалари» деб номланган ҳамда Бош қўмитасининг ҳар бир боби кенг шарҳланган рисоалар нафақат ҳуқуқшунослар, балки кенг китобхонлар оmmasига ҳам мўлжалланган.

Бохўд НОРОБОВ, ЎЗА мухбири.

Саодат озод қилинди

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати Қашқадарё вилояти бошқармаси ҳолимлари томонидан амалга оширилган тезкор тадбир натижасида бир ойдан ортиқ гаровда ушлаб турилган уч ёшли қизалоқ озод этилди. Дастлабки терговда аниқланишча, жиноятчилар Усмон Юсунов туманида яшовчи ёлғиз аёлнинг Саодат ис-

ли уч ёшли қизини зўрлик билан қўтариб олиб, уни онасига қайтариш эвазига 600 минг сўм талаб қилган экан. Бунинг учун тамагирлар қизалоқнинг онасини яшаб турган уйини сотишга мажбур қилиб, онани бошпанасиз қолдирган. Бироқ талаб қилинган пулни тўлиқ олмасга кўзи етмагач, товламачилар қизани сотиб юборишга

киришди, ҳатто қўшни давлатлардан бирининг фуқароси бўлган харидор ҳам топилди. Тамагирлар талаб қилинган пулни бир қисм — 300 минг сўмин олаётган пайтда уларнинг қўлига қинаш солинди. Жажжи Саодат эса озод этилиб, онаси бағрига қайтарилди. Афғусланарлиси, асосан ҳеч қаерда ишламайдиган

Устозга таъзим

Унда иштирок этган олим ва ижодкорлар устозининг сирқира ижоди ҳақида тўққинлабиб гапирдилар. Институт ректори, профессор А. Матқонов, Қорақалпоғистон Езувчилар уюшмаси раиси Т. Қанберенов, Қорақалпоғистон халқ шоири Г. Матқубова, академик Ж. Бозорбоев ва бошқалар устозининг ижодий йўли ҳақида гапириб, унинг Марказий Осн халқларини адабиёти бўйича олиб борган илмий фаолияти эътиборга лойиқ эканлигини таъкидладилар.

шахслардан иборат бу уюшган гуруҳнинг ташкилчилари ва бошлиғи — Қарши тумани Бешкент шаҳрида яшовчи 37 ёшли Музаам исмли аёл экан. Гуруҳ аъзолари тергов идоралари томонидан зўравонлик, тамагирлик, қўнмачилик, рўқет каби жиноятларини ҳам содир этганликда гумон қилинмоқда. Ҳозир ушбу жиноий иш бўйича тергов ҳаракатлари олиб бориламоқда. МХХ жамоатчилик билан алоқа бюроси.



Янги дастгоҳлар шарофати

Фарғонадаги «Буюк Ипак йўли» ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамиятида пилла хомашисидан жаҳон андозаси талаблари даражасида маҳсулот тайёрланаётди. Аини пайтда бу ерда эскириб қолган қайта ишлаш дастгоҳлари ўрнига Жанубий Кореянинг замонавий технологияси ўрнатилмоқда. Янги дастгоҳлар ишга туширилгач, ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ошади ва кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилади.

Ҳозирги кунда корхонада 3000 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётди. Уларнинг унумли ишланлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган.

СУРАТДА: лаборант Салима Аҳмедова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

«ТОШКЕНТ КУЗИ - 2002» — «SONY» НАМОЙИШ ЭТАДИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Япониянинг дунёга машҳур «SONY» корпорацияси маҳсулотларининг кўргазмаси очилди. Уч кун давом этадиган ушбу тадбир мазкур корпорациянинг «Сони Бизнес Европ» компанияси ва МДХ давлатлари бўйича ваколатхонаси билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур тадбирнинг аҳамияти жиҳати шундаки, у Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар тобора кенгайиб бораётган бир пайтда ўтаётди, — деди Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов кўргазма очилишида

мастаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Йиллик маблаг айланмаси 60 миллиард АКШ долларининг ташкил этувчи «SONY» фирмаси маҳсулотлари Ўзбекистонда ҳам анча машҳур. Чунки мижозларнинг ишончини лоймо оқлаш фирманинг асосий ширдорлардан бири бўлиб келган. Ушбу кўргазма ташкил қилинишидан мақсад ҳам Ўзбекистонлик мижозларга янада яқинроқ бўлиш ҳамда электроника соҳасида қўлга киритилган сўнгги ютуқларини намойиш қилиш.

Кўргазмада ахборот технологияси, телефизика, ушбу конференц залларини эшитиш воситалари билан жиҳозлаш, телеанжаман ўтказиш, катта экранларда тасвир пайдо қилиш, рақамли фотоаппаратлар каби энг янги ускуналар мижозлар эътиборига ҳавола қилинган. (ЎЗА).

Тинчлик йўлида ҳамкорлик

Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси дунёнинг илғор мамлакатлари ва қатор халқро ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Республикаимиз халқро ҳамкорлик, тинчлик ва хавфсизлик учун курашаётган мамлакатлар қаторидан жой олган. НАТО мамлакатимизнинг ана шу эзгу мақсад йўлида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириб келаётган ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Шимолий Атлантика шартномаси 1949 йилнинг 19 апрелида Вашингтон штатида имзоланган. Ушунда бир-бирини ҳимоя қилишга аҳд қилган 12 мустақил мамлакат иттифоқи ташкил топди. Ҳозирда НАТО га аъзо мамлакатлар сони 19 тага етди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида НАТО нинг қайта шаклланиш жараёни юз берди. Мазкур жараён иттифоқда ўзининг асосий вазифаларини бажариш билан бир қаторда, бутун Европа бўйлаб хавфсизликни таъминловчи тузилмаларини шакллантиришда иштирок этиш имконини берди. Бошқа халқро ташкилотлар каби тинчликпарвар тадбирларда қатнашиши ва мижороларни бартараф этишда иштирок эта олишини таъминлаш мақсадида НАТОнинг сиёсий ва ҳарбий тузилмаларига ҳам бир қанча ўзгаришлар киритилди.

1994 йилнинг январь ойида Шимолий атлантика ҳамкорлик кенгаши (ШАҲК) иштирокчи мамлакатлари ва Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилотига (ЕХХТ) аъзо давлатлари Тинчлик йўлида ҳамкорлик (ТИХ) дастурига қатнашиш учун таклиф олдилар. Мазкур дастур НАТО ва иштирокчи мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш мақсадларига қаратилган.

(Давоми 3-бетда).

Бугуннинг гапи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 ноябрдаги «Бозорини истемол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан, биринчи мақоламизда таъкидланганидек, корхоналар учун яна кўплаб имтиёзлар белгиланган.

Рағбат ва имтиёз

Жумладан, ноозиқ-овқат истемол товарлари (тамаки маҳсулотлари ва заргарлик буюмларидан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар, агар улар солиққа тортишдан бўшайдиган маблағларини ишлаб чиқаришни қўлтиришга, тайёрланаётган истемол товарларининг асортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини оширишга мақсадли йўналтирсалар, бюджетга акциз солиғи тўлашдан озод қилинадилар. Истемол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга эса амортизация ажратмаларининг йиллик ҳисобидан чиқариш мижозларининг асосий воситаларининг фойдали муддатидан кейин чиққан ҳолда мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилади. Бу жараёнда, албатта, солиққа тортиш мақсадидаги амортизация ажратмаларининг йиллик микдори Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган нормалардан ошмаслиги керак.

Ушундан ташқари, истемол товарлари ишлаб чиқаришга иxtиссослашгаётган бундай маҳсулотлар тайёрлашни умумий ҳажмда 60 фоизга етказсалар, 2003-2005 йилларда ер солиғини белгиланган тартибда амалдаги ставкалар бўйича, лекин тегишли шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг ўрта зонаси учун белгиланган ставкадан ортиқ бўлмаган ставкалар бўйича тўлайдилар.

(Давоми 2-бетда).

Ҳар бир оила бахти учун

Бухоорода оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази очилди. Бундан асосий мақсад, маънавий ёрдам ва рағбатта муҳтож кичиқларга қўмақлаштириш. Шу бонс марказга нафақат аёллар, эркеклар ва ҳатто ўмирлар ҳам мурожаат қилишмоқда.

Марказ қўшидаги «Устозлар» тўғрагида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари зардушлик, тикучилик касалларини кунт билан эгаллашмоқда.



Алло, Сизни Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси эшитади!

Хурматли «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

- Сизларни тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар қизиқтирадимиз?
- Маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятининг ривожланишига тўққинлик қилаётган муаммо ва тавалар ҳақида айтмадиган гапингиз борми?
- Тадбиркорлик ва уни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар, фармонлар ва қарорлардан бохабармизми?

Хуллас, Сизни қизиқтираётган саволларга шу йил 2 декабрь кунини соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Музаффарбек СОБИРОВ 139-18-83, 132-09-03 телефонлари орқали тўғридан-тўғри жавоб беради.

• «Бевосита мулоқот»да Палата тизимида кирувчи ташкилотлар, «Бизнес-фонд» АТБ, «Устадбикорбанк», «Мадад» суурта агентлиги, Бозор қўнмачиларини ривожлантириш, «EAN Uzbekistan» маҳсулотларини идентификация ва стандартлаш, «Test - serviz» маҳсулот ва хизматлари сертификатциялаш, тастдан ўтказиш марказлари раҳбарлари иштирок этадилар.

Саволларингизни олдидан қуйидаги телефон рақамлари орқали йўлланганингиз мумкин: 139-18-83, 133-57-98, 132-09-03, 136-10-65, 136-36-65. Факс: 133-57-34, 133-52-55.

Бевосита мулоқотга марҳамат!

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.

Тинчлик йўлида ҳамкорлик

(Давоми. Боши 1-бетда).

1997 йилнинг май ойида Португалиянинг Синтре шаҳрида бўлиб ўтган НАТО Ташқи ишлар вазирларининг учрашувида ТИХ дастурининг аҳамиятини ошириш хусусида қарор қабул қилинди.

Учрашувада сиёсий маслаҳатлашувлари мустақамлаш, ҳамкор мамлакатларнинг ТИХ тадбирларидаги иштироки ва қарорлар қабул қилиниши жараёнидаги имкониятларини ошириш ҳамда дастурга бундан юқориқ аҳамият беришга келишилди. Бугунги кунга келиб маққур дастур иш-тироқчиларнинг сони 27 та. Ўзбекистон ҳам шулар жумласидандир.

Синтредаги учрушув Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг (ЕАҲК) ташкил топиши билан алоқадор. ЕАҲК Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгашида ташкил топган янги тузилма бўлиб, сиёсий масалалар, хавфсизлик ва ТИХ дастури доирасида ҳамкорликнинг кенгайиши юзасидан кенг қамровли маслаҳатлашувлар олиб бориши таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ТИХ дастурида 1994 йилдан буён иштирок этиб келмоқда.

Евроатлантик ҳамкорлик кенгаши хавфсизлик ва сиёсат соҳасида маслаҳатлашувлар, музокаралар ва ҳамкорликни ривожлантириш бўйича

фаолият олиб боради. ЕАҲК мажлисларидан ташқари Шимолий Атлантика кенгаши шафелигида ҳамкорлик бўйича шерик давлатлар вакиллари билан доимий учрашувлар ўтказилиб турилади.

1997 йилда таъсис этилган Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши ташкил топганидан сўнг Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастурининг барча иштирокчилари ЕАҲКга аъзо бўлишди.

Мамлакатимизнинг НАТО билан ҳамкорлигининг фаоллашуви 1996 йил 13 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримовнинг Бельгияга қилган ташрифи бўлди. Ташриф давомида Президентимиз Алясининг бош қароргоҳига борди ва НАТО Бош қотиби Х.Солана билан учрашди.

1998 йилда Алясининг Брюсселдаги бош қароргоҳи ҳузурда Ўзбекистон Республикасининг НАТО даги доимий миссияси очилди.

НАТО Бош қотиблари Х.Солано ва Дж. Робертсонларнинг мамлакатимизга амалга оширган ташрифлари ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

ТИХ дастурининг яна бир фаолияти шундан иборатки, у иштирокчи мамлакатлар ҳарбийлари ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш имконини яратди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакиллари "Ҳамкорлик

меваси-95", "Ультраланс-96", "Кооператив баннерс-97" (Норвегия), "Ультраланс-97", "Кооператив наггетс-97" (АҚШ), "Центрбат-97" каби қўшма ҳарбий машқларда иштирок этдилар.

Илмий соҳадаги ҳамкорлик муносабатларимизнинг яна бир сермахсул йўналишидир. Шу йилнинг 13-14 июнь кунлари Тошкентда НАТОга аъзо мамлакатлар ва шерик давлатлар ўртасида ягона компьютер тизimini йўлга қўйиш кўзда тутилган "Буюк ипак йўли" илмий лойиҳасига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, НАТО илмий қўмитасининг Тошкентда бўлиб ўтган қўшма йўналиши Марказий Осиёда илк марта ўтказилди. Ушбу анжуманда НАТО Бош қотибнинг илм-фан ва атроф-муҳит масалалари бўйича ўринбосари Ж.Фурне қатнашди.

Бугунга келиб, НАТО Ўзбекистон олимларига илмий соҳалар учун 69 та грант ажратган.

Ўзбекистон вакиллари иштирок этадиган, Прагада бўлиб ўтган НАТО — Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммити Ўзбекистон ва НАТО ўртасида ҳамкорликнинг янада жалаллаштирувчи муҳим қадами бўлиши, шубҳасиздир.

М.ЗОХИДОВ,
"Жаҳон" АА шарҳловчиси.

"Пром-электро" буюртма қабул қилади

Бир пайтлари мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан, қўшни давлатлардан катта харажатлар эвазига олиб келинадиган, бузила яна ўша ерда қайта таъмирландириладиган электр двигателлар, генератор ва транспортёрлар эндиликда шу ернинг ўзида тузилмоқда. Кичик кучлидан тортиб, 10 минг вольтагача бўлган электр жиҳозлар 10-15 кунда таъмирланиб, буюртмачига етказиб берилади. Ҳозирга келиб корхона Навоий кон-металлургия комбинати, Бухоро нефтин қайта ишлаш заводи, "Қўмир" акционерлик жамияти ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлардан буюртмалар олади.

Ҳар йилда икки навабда 25-30 миллион сўмлик иш бажарилмоқда. - Ҳар йилда қўшма корхона раҳбари Михаил Тихонов. - Янги йил арафасида Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларида тузилган музлаткич, совутич ва бошқа электр жиҳозларни қабул қилиш нукталари очилиши режалаштирялмоқда.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 19 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарини сўмга наисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	508,11	1 Польша злотийси	230,02
1 Англия фунт стерлинги	1424,95	1 СДР	1202,95
1 Дания кронаси	122,73	1000 Туркия лираси	0,57
1 БАА дирҳами	245,79	1 Швейцария франки	621,72
1 АҚШ доллари	902,67	1 ЕВРО	911,16
1 Миср фунти	195,58	10 Жанубий Корея вони	7,49
1 Испания кронаси	10,60	1 Япония иенаси	74,65
1 Канада доллари	570,41	1 Россия рубли	28,27
1 Ҳитой юани	109,06	1 Украина гривнаси	169,34
1 Малайзия рингити	237,58		

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маққур валюталарни узиб қий-матда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар» - «Мустақил Ўзбекистон замондошларимиз сўмосида» танловига

Бу кўнча дунёнинг сирини синаётлари беҳисоб. Уларни ҳар ким, албатта, ўзича талқин қилади. "Бухорода тоғлар йўғ-а", дея мени мот этмоқчи бўлади қўшни воҳалик танишим. Мен бўлсам, негадир бу гапни ҳам қилмайман. Негаки ҳар бир юртнинг ўз тоғлари, ўз чўққилари бўлади. Фақат уларни кўра билмоқ керак. Бухоронинг ҳам юксак «тоғ»лари, «чўққи»лари бор. Булар — инсоният тарихи ва маданияти силсиласида ўчмас из қолдирган Имом ал-Бухорий, Абдуллоҳиқ Фихривоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино...

АФШОНА

Афшонада бўлмаган киши Ибн Сино даҳосини чуқур тасаввур қилолмайди. Ҳар бир гўшада унинг табарруқ руҳи кезиб юргандек. Урта аср та-бобатчилигида унинг олдига тушадигани бўлмаган. Шарқу Фарбада "Авиценна" номи билан шухрат қозонган.

Пешку туманидаги Афшона қишлоғида ҳазратнинг салобати бронза ҳайкали қад кўтарган. У юртлоқларини са-олати кунларга, эзу амалларга чорлаётгандек гўё. Анвойи гул-лар атри димогинини қитқ-лайди. Бу манзаралардан му-таассир бўлиб, Абу Али ибн Сино музейига кириб бора-ми.

Музей раҳбари Қўямиддин Чориев каттар, шинаванда одам. Қасби-ўқитувчилик. Узоқ йиллар мактабда ишлаган, ёш авлодга физика-математика фанларидан сабоқ берган. Лекин, очини, тарихни зукко бир олимдан кам билмайди. Ана шу меҳр уни тиб илмининг бо-бокалони Ибн Сино тақдирини билан боғлаган бўлса, ажаб эмас. Буюк аллома ўтган йўллардан юриб, ер юзининг қайси гўшаларига бормади, қимлар билан сўхбат қурмади, дейсиз. Бунинг учун ҳеч қимдан алоҳида илтифот қутгани йўқ. Вижлони бурган ишни қилди. Афшона марказида Ибн Сино музейини ташкил этиш-да бош-қош бўлди.

Шунга ҳам йитирма йилдан ошибди. Музей залларидан ўрин олган 700 дан ортиқ эк-спонатлар, айтиш мумкинки, олдин қишлоқ муаллимининг тинимсиз изланиши ва қатъий сая-ҳаракатлари мевасидир. Улар қарийб ўн асрлик давр-дан ҳикоялар сўзлайди.

Отмишдан ошдим, — сўз бошлади сўхбат-дошимиз кўк чойни майда ҳўлаб. Сиз музейда кўриб турган нодир буюмлар, кўнча ашёлар, тарихий ҳужжатлар-ни битта-биттаб, тўплаган-ман. Шу боис ҳар бири мен учун боламдек азиз, қадри. Музейимиз етти бўлимдан иборат бўлиб, улар мазмунан бир-бирини ўзларидан, томо-шабинга ўрта аср фани ва ма-данияти ҳақида муайян ту-

шунча беради. Деворга ишланган анави ис-лимий нақшларга эътибор бе-ринг. Қандай нафис, бетакор. Уларни миниатюра санъати-нинг устаси, марҳум Чингиз Аҳмаров шогирдлари билан биргаликда яратган. Залларда Бухоро, Самарқанд, Душанбе музейларидан келтирилган эк-спонатлар ҳам анчагина. Улар-ни кўз қорачингдек асрашга, келгуси авлодларга бешиқат етказишга ҳаракат қилаялмиз. Музейни жиҳозлашда Беруний номидаги Шарқшунослик, Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлэмалар институтлари оли-млари яқиндан ёрдам кўрсатиш-ган.

— "Афшона" сўзининг ду-ғвий маъноси ҳақида ҳам қис-қача тўхталиб ўтсангиз. — Қадимшўнослар бу маса-лада икки хил тахминни илгари суришсади. Бир замонлар қишлоғимиз ҳудудида Абшин кўчманчи қабилалари яшаган, уларнинг ўзига хос аънава ва урф-одатлари шаклланган. Бъ-зи манбаларда "Афшона" эти-мологияси ана шу қабила номи билан боғлаб шарҳланади.

Иккинчи тахмин, шуки бу-рунги замонда қишлоғимиз ат-рофида қўллаб қалъалар бўлган, Зарафшон дарёси шу ерда келганда, етти ирмоқ — етти "тароқ"қа ("Ҳафтшона") бўлиниб оққан. "Ҳафтшона" замонлар ўтиши билан "Аф-шона"га айланиб кетган бўлса, ажаб эмас. Ҳар қалай, менинг назаримда, кейинги фикр ҳақиқатга яқинроқ туюлади.

Ибн Сино номидаги фу-ри қарорал йигини раи-си Б.Абдуллаевнинг айтишича, қишлоқда 1500 дан зиёд киши истиқомат қилади. Улар ора-сида турли касб эгалари бор. Лекин муҳими бу эмас. Қиш-лоқ одамларининг оғн ва та-факкури ўзгариб борапти. Улар энди қандай ишлаш, қан-дай яшашни билмадилар. Ҳар бир оилада мол-ҳол, томорқа мавжуд. Боғча ва мактабларда навқирон авлод камол топмоқ-да. Ҳар тўрт хонадондан бири-нинг эшиги олдига ярақлаб турган шахсий машиналарга кўзингиз тушади.

Буларнинг ҳаммаси, албат- та, ҳалол меҳнат орқасидан. Варҳиша даштининг олис этак-ларига эртаю кеч ҳаёт қай-налади. Ибн Сино ширкат ҳўжалиги 20 та катта-кичик қишлоқни ўз ичига олган. Ҳўжалик пахтакорлари жорий йилда ҳар гектар ҳисобига 34 центнердан, жами 4065 тонна саноат хомаёси етиштириш йўлида курашни бўшаштирма-яптилар. Фаллакорлар 316 гек-тар ерда бошоқли дон экиб, гектар ҳисобига 53,5 центнер-дан сара дон етиштирдилар.

Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Ерга, мулкка муноса-бат тубдан ўзгариб борапти. Бугун кўпчилик ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши тушунади. Қишлоқда фермерлик, тадбир-корлик ҳаракатига кенг йўл очилган. Айниқса, ёшлар бу соҳага рағбат билдириб, ўз им-кониятларини тўлароқ намоён этишга интилишаётгани кўзгичи ҳолдир. Ҳўжалик ҳудудидаги мавжуд боғ-роғлар, экин майдонлари шартнома асосида 60 нафар ижарачи, 25 та деҳқон ва фермер ҳўжалик-лари ихтиёрига берилган. Эрк олган эркин ишлайди, бир сўмини эрки сўм қилиш ҳақида ўйлайди. Меҳнат самарасини "Шабон ая", "Қўшшабода", "Сафар деҳқон", "Ғани бобо", "Шариф Ҳоли" деҳқон ва фер-мер ҳўжаликлари мисолида яққол кўриш мумкин. Паста-чилик, чорвачилик ва боғдор-чиликка ихтисослашган ушбу жамоалар йил якунида муъай даромад олишни мўлжаллаб ту-ришибди.

Меҳнатнинг таги роҳат, деган гап бекорга ай-тилмаган. Бугун юртимизга байрамлар, тантаналар яраша-ди. Афшона қишлоғини айлан-иб юрганимизда, иттифоқо хонадонлардан бирида олвий маросимнинг устидан чиқиб қолдик. Қишлоқ оқсоқоллари-дан Шукр бобо Омоннинг 90 йиллиги нишонланаётган экан. Шинам, мевазор ҳовли-да ўғил-қизлар, қариндош-уруғлар жамулган.


— Шу кунларга етказганига шукур, — юзига фотиҳа торта-ди отахон. — Ишқилиб юр-тимиз тинч, улуғларимизнинг боши омон бўлсин. Чори му-аллим айтганидек, биз дунёга Афшонадан туриб назар таш-лаймиз. Бу жой нафақат биз, балки келгуси авлодлар учун ҳам муқаддас Ватандир. Ватан-ни эса алмаштириб бўлмайди, болам.

Дарвоқе, Афшона... Савоб-дан бенасиб қолмай десангиз, бу муқаддас гўшага қадам ран-жида қилишни ўзингизга фарз билинг. Зеро, замонларни за-монларга боғлаб турувчи на-зарқарда зотларнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам мангуликка дахлдор.

Носир ТОШЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.



Нукус шаҳрида "Прогресс" таълим ва ривожланиш маркази ташкил этилганига ўн йил тўлди. Дастлаб саноклигинга ёшлар билан иш бошлаган марказда, бугунги кунга келиб 1130 ўқувчи хорижий тилларни ўрганаётир. Эъти-борли томони шундаки, машғулотларни асо-сан хорижлик мутахассислар олиб борадилар.



— Тил билган эл билади, — дейди марказ раҳбари Лилия Лагазилде. — Мақсалимиз, ёш-ларимиз хорижий тилларни мукамал ўрган-синлар. Ва ана шу тиллар орқали халқимиз-нинг ўлмас аънавалари, урф-одатларини тар-ғиб этсинлар. "Прогресс"чи ёшлар хорижий тилларни ўрганиш билан бирга турли спорт машғулот-лари билан ҳам мунтазам шуғулланидилар.

СУРАТЛАРДА: марказ биносининг умумий кўрилиши; кутубхонада. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, УЛГҲРЖИ ХАРИДОРЛАР, ТАДБИРКОРЛАР — БАРЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ,

2002 йил 22-29 ноябрь кунлари

Тошкент шаҳридаги «Юнусобод» теннис мажмуида

РЕСПУБЛИКА УЛГҲРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗАДИ.

Ярмаркада: «Файз» холдинг компанияси, «Ўзимёсанот» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбек-қоғозсаноат», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзмашсаноат», «Ўзавтосаноат», «Маҳаллий саноат», «Хунарманд» уюшмалари, шунингдек «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзпластитал» қўшма корхонаси, «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги корхоналарида 2003 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намойиш этилади.

Ярмаркада:

- ✓ **мебель ва мебель аксессуарлари,**
- ✓ **қоғоз ва қоғоз буюмлари,**
- ✓ **босма маҳсулотлари,**
- ✓ **мураккаб маиший техника,**
- ✓ **заргарлик буюмлари,**
- ✓ **«Тико» автомобиллари,**

- ✓ **қурилиш материаллари,**
- ✓ **лак-бўёқ,**
- ✓ **маданий-маиший ва ҳўжалик буюмлари,**
- ✓ **томорқа-боғдорчилик ашёлари**

ва бошқа иввозиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилади.

Ярмаркада 2003 йилда ишлаб чиқариладиган ана шу маҳсулотлар ва товарларни харид қилиш учун республикамиз ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча истеъмолчилар билан шартномалар тузилади.



Ярмаркага марҳамат!

Манзил: Тошкент шаҳри, «Юнусобод» теннис мажмуи. Мўлжал: метронинг «Бодомзор» ва «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари оралиғида. Ярмарка кенгашининг телефони: 139-46-97.

Спорт

Ва ниҳоят, қутилган дақиқалар етиб келди. "Пахтакор" командаси учинчи бор мамлакат чемпиони бўлди. Олтин медаль футбол бўйича мамлакат XI чемпионатининг 26-учрашувида қўлга киритилди. Ваҳоланки, ҳали олдинда яна 4 та уйин бор.



"Пахтакор" — мамлакат чемпиони

"Пахтакор"ни ҳеч ким қувиб етиб бўлмас чўққига олиб чиққан учрашув "Самарқанд-Динамо" клуби билан бўлган уйинда юз берди. Виктор Жалилов шогирдлари майдоша ишонч билан ҳаракат қилдилар. Мақсад аниқ эди, аммо олдинда уни қандай қилиб амалга ошириш вазифаси турарди. Вазифа осонликча ҳал этилди: дастлаб клубнинг ёш уйинчиси Александр Гейрри қаторасига иккита гол киритди. Сунгра Гочкули Гочкулиев пенальтидан ўзини кўрсатди. Миржалол Қосимовнинг самарқандликлар дарвозасига киритган чиройли тўпи ҳисобини 4:0 га етказди. Шундай қилиб, олтин медаль соҳибари аниқ бўлди. Фақат ёшлардан иборат "Пахтакор" командаси 26 уйинда бир марта мағлубиятга учради. Улар 2 марта дуранта рози бўлишди. 23 марта музаффарлик туғини кўтаришди. Ҳали ҳеч бир команда бунчалик кўп галабага эришмаган. Шу давр мобайнида Виктор Жалилов шогирдлари рақиблари дарво-

засига 81 марта тўп киритиб, ўзлариникидан бор-йўли 12 та тўп ўтказиб юборишган.

Ҳўш, чемпион аниқ бўлди, турнирнинг бошқа қаватларида нима гаплар?

Иккинчи ўринда бораётган Фарғонанинг "Нефчи" командаси учинчи ўриндаги



"Қизилқум" дан атиги икки очко фарқи бор. Аммо яқинда Техондаги Осиё чемпионлари кубоги учрашувидан қайтган фарғоналиклар битта уйин кам ўтказишган. Уларнинг ортдан Каршининг "Насар" командаси изқуварлик қилмоқда. Хуллас, иккинчи ва учинчи ўринлар масаласи сўнгги уйинларда ҳал бўладиган кўринади. Худди шунингдек, турнир охиридаги командаларнинг олий лигани тарқ этиш "мусобақаси" натижалари ҳам ҳали маълум эмас. Аммо 2003 йилда олий лигани тўлдирадиган командалар аниқ бўлди. Булар— "Гулистон" ва Кувазонинг "Цементчи" жамоаларидир.

Ўз муҳбиримиз.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О	
1. "Пахтакор"	26	23	2	1	81	-12	71
2. "Нефчи"	27	19	3	5	68	-29	60
3. "Қизилқум"	28	18	4	6	64	-30	58
4. "Насар"	28	18	3	7	57	-32	57
5. "Металлург"	28	13	6	9	39	-34	45
6. "Навбахор"	28	13	4	11	49	-36	43
7. "Бухоро"	28	12	4	12	36	-49	40
8. "Дўстлик"	28	11	2	15	33	-39	35
9. "Андижон"	28	9	5	14	39	-56	32
10. "Самарқанд-Д"	28	9	4	15	24	-43	31
11. "Сурхон"	28	9	3	16	34	-49	30
12. "Машъал"	27	8	5	14	31	-51	29
13. "Трактор"	28	8	5	15	35	-58	29
14. "Қўқон-1912"	28	8	2	18	28	-59	26
15. "Зарафшон"	28	7	4	17	35	-52	25
16. "Сўғдиёна"	28	7	4	17	27	-51	25

Қарор ва ижро

Ҳозирги кунда чегара худудларида хизмат ўтаётган ички ишлар, боҳжона ва чегара қўшинлари ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори талабларини баҳарши, республикамиз ҳудудига турли сифатсиз товарлар, айниқса, озик-овқат маҳсулотларининг ноқонуний тарзда кириб келиши, биздаги мавжуд товар-моддий бойликларни ҳар хил йўллар билан республикамиздан чиқиб кетишининг олдини олиш борасида кенг қўламли тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари шу йўналишда иш олиб бориб, бир қатор ижобий натижаларни қўлга киритдилар. Яқинда улар қўшни Қозғистон Республикаси томонидан мамлакатимизга айланма, яширин йўл орқали ўтиб келаётган КаМАЗ-5320 русумли автомобилни тўхтатиб, текширидилар. Ҳайдовчи Ф. Тошкенбоев бошқарувдаги автомобилнинг вазифалари янада орди. Эндиликда улар чегара худудларида жомат тартибини сақлаш билан бирга сифатсиз ва ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган товарларнинг олиб кирилишининг олдини олишни ҳам назорат қилишмоқда.

Дарҳақиқат, сўнгги вақтларда фуқароларимиз сифатсиз маҳсулотлар қўлайиб кетганини, айниқса, озик-овқат маҳсулотлари санитария талабларига жавоб бермаслигини тез-тез таъриқлаётган бўлиб қолди. Айнан мана шундай сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилиб, саломатлиги ёмонлашган фуқароларнинг Тиббиёт муассасаларига мурожаати ҳам кўпайди. Фақат ўз шахсий манфаатини ўйлайдиган, қандай йўл билан бўлмасин, текин

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ

Иқтисодий жиноятчиликни ҳуш кўрмайди

жамий қиймати икки юз минг сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб келаётганлиги аниқланди.

Сифатсиз, лекин республикамиз ҳудудига қиммат нархларга сотилиши мўлжалланган умумий нархи уч миллион ўттиз етти минг беш юз сўмлик товарларни ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасида юклар келаётган «Икар» русумли, давлат белгиси 17 АЛ 055 бўлган автобусни ҳам андижонлик йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари уни тўхтатиб текширилганда автомобилда ўн уч турдаги, умумий нархи етти юз минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Шунингдек, Андижон вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳам Қорасув шаҳар ҳудудига ҳаракатланаётган «Тик» русумли, 17 J 2022 давлат белгиси автомобилни тўхтатиб текширилганда Фарғона шаҳрида яшовчи Азиза Маҳмудова

жамий қиймати икки юз минг сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб келаётганлиги аниқланди.

Сифатсиз, лекин республикамиз ҳудудига қиммат нархларга сотилиши мўлжалланган умумий нархи уч миллион ўттиз етти минг беш юз сўмлик товарларни ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасида юклар келаётган «Икар» русумли, давлат белгиси 17 АЛ 055 бўлган автобусни ҳам андижонлик йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари уни тўхтатиб текширилганда автомобилда ўн уч турдаги, умумий нархи етти юз минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Шунингдек, Андижон вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳам Қорасув шаҳар ҳудудига ҳаракатланаётган «Тик» русумли, 17 J 2022 давлат белгиси автомобилни тўхтатиб текширилганда Фарғона шаҳрида яшовчи Азиза Маҳмудова



жамий қиймати икки юз минг сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб келаётганлиги аниқланди.

Сифатсиз, лекин республикамиз ҳудудига қиммат нархларга сотилиши мўлжалланган умумий нархи уч миллион ўттиз етти минг беш юз сўмлик товарларни ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасида юклар келаётган «Икар» русумли, давлат белгиси 17 АЛ 055 бўлган автобусни ҳам андижонлик йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари уни тўхтатиб текширилганда автомобилда ўн уч турдаги, умумий нархи етти юз минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Шунингдек, Андижон вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳам Қорасув шаҳар ҳудудига ҳаракатланаётган «Тик» русумли, 17 J 2022 давлат белгиси автомобилни тўхтатиб текширилганда Фарғона шаҳрида яшовчи Азиза Маҳмудова

жамий қиймати икки юз минг сўмлик Хитойда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб келаётганлиги аниқланди.

Сифатсиз, лекин республикамиз ҳудудига қиммат нархларга сотилиши мўлжалланган умумий нархи уч миллион ўттиз етти минг беш юз сўмлик товарларни ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасида юклар келаётган «Икар» русумли, давлат белгиси 17 АЛ 055 бўлган автобусни ҳам андижонлик йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари уни тўхтатиб текширилганда автомобилда ўн уч турдаги, умумий нархи етти юз минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари борлиги аниқланди.

Шунингдек, Андижон вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари ҳам Қорасув шаҳар ҳудудига ҳаракатланаётган «Тик» русумли, 17 J 2022 давлат белгиси автомобилни тўхтатиб текширилганда Фарғона шаҳрида яшовчи Азиза Маҳмудова

ҲИҚМАТ
Қачонқим шод
эсанг ғамгина
раҳм эт,
Алар суатон
эсанг мускина
раҳм эт.

Бир неча йилдики, Тошкент архитектура ва қурилиш институти Германиядаги Фингер номидида институт билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Ҳар иккала олий ўқув юртида қурилиш материаллари бўйича олиб борилаётган ўқув жараёнлари ҳамда илмий изланишлар ўзаро муштараклиги билан бир-бирига яқин туради.

Ўзбек-немис қўшма кафедраси

Шуларни инобатга олиб, институтлар ўртасида шартнома тузилди. Олий ўқув юрлари ҳамкорлигида «Қурилиш материаллари» ўзбек-немис қўшма кафедраси очилди. Тошкент архитектура ва қурилиш институти негизда фаолият кўрсата бошлаган бу кафедра ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, малака ошириш каби масалалар билан шуғулланади.

Шартнома бўйича яна бир йиллик лойиҳа юзага келди. «Архитектура ёлгорликларини таъмирлашнинг янги концепцияси» деб номланган йўриқнома яратишга қаратилган ўзбек-немис қўшма илмий лойиҳаси ҳам тайёрланди. У ўзбек-немис мутахассислари иштирокида муҳомадан ўтди.

Қурилган бу каби тадбирлар иккала институтда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан юқори порогонага кўтаришда хизмат қилади.

Ақбар АЛИЕВ.

2002 йил 20 декабрь

ЭЪЛОН!

соат 10.00 да

№ 1048	Нукус — Ҳазорасп,	№ 1073	Ховос — Совот,
№ 840	Октош — Қарши,	№ 871	Балиқчи — Наманган,
№ 882	Ф.Ҳўжаев — Пайарик,	№ 911	Фарғона — Марҳамат,
№ 889	Челак — Дўстлик,	№ 934	Косон — Бухоро,
№ 1070	Янгиер — Тоиров,	№ 1040	Денов — Урганч,
№ 858	Гулистон — Каттакўрғон,	№ 717	Самарқанд — Жиззах,
№ 907	Урганч — Дўстлик,	№ 800	Самарқанд — Ангрэн,
№ 931	Бекобод — Қарши,	№ 799	Самарқанд — Пахтакор,
№ 1029	Тошкент — Мангит,	№ 427	Самарқанд — Хатирчи,
№ 1053	Тошкент — Бешкент,	№ 601	Учқудуқ — Бухоро,
№ 785	Самарқанд — Сирдарё,	№ 743	Мангит — Урганч,
№ 804	Самарқанд — Қарши,	№ 921	Самарқанд — Оққўрғон,
№ 915	Жўш-23 — Самарқанд дехқон хўжалиги,	№ 968	Жиззах — Гулистон,
	23-Самарқанд дехқон хўжалиги томонидан,	№ 801	Самарқанд — Пахтаобод,
№ 1058	Тошкент — Хива,	№ 797	Тошкент — Жиззах,
№ 601	Бухоро — Учқудуқ,	№ 1004	Жиззах томонидан,
№ 554	Бухоро — Навоий,	№ 805	Ҳислат — Самарқанд,
№ 1071	Ховос — Баландчақир,	№ 848	Рассвет орқали,
№ 1072	Ховос — Жулангар,	№ 805	Ҳислат — Самарқанд,
		№ 848	Самарқанд — Термиз,
			Самарқанд томонидан,
			Тошкент — Узун

Шаҳарлараро-вилоятлараро автобус йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ оғинлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, «Анҳор бўйи» кўчаси, 4-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун 2002 йил 19 декабрь соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2002 йил 19 декабрь соат 17.00 гача қабул қилади.



ТЕНДЕР ўтказиш манзили: Тошкент ш., «Анҳор бўйи» к., 4-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефон: 41-56-27.


Корхоналар, ташкилотлар, улгуржи харидорлар ва тадбиркорлар диққатига!

2002 йилнинг 20-27 ноябрь кунлари 2003 йилда ишлаб чиқариладиган ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО

ЯРМАРКАСИ

ЎТКАЗИЛАДИ.



Ярмаркада

- ип,
- шойи,
- жун газламалар,
- тўқимачилик ва чарм-атторлик маҳсулотлари,
- кийим-кечаклар,
- пойабзаллар,
- гиламлар ва чинни буюмлар тақдим этилади.

Узбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидagi «Ўзувизорат» республика сув инспекцияси жамоаси инспекция бош мутахассиси Назиржон Бозоронга палари буюрқовори СОБИРЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Телевидениеси жамоаси «Ахборот» дирекциясининг гўруҳ раҳбари Тамара Саломатнига онаси.

Зинаида КАМИШНИКОВАнинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Саноат ва қончиликда ишларнинг бекатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги жамоаси буюрқовонлари ва кўтариш ишонотларини назорат қилиш инспекциясининг инспектори Холмурод Қурбонова фарзанди Дилшод ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«O'zmashta' minot» АЖ жамоаси корхона ходими Ҳамидулла НИҒМАТОВнинг вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардик изҳор этади.

МАНЗИЛА: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, БОБУР Кўчаси, 45-уй. ИШ ВАҚТИ: СОАТ 9.00дан 18.00гача.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир Уринбосари — «Халқ сўзи»), М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЛОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир Уринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Иқтисодий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва миттақалар — 136-29-89; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 977, 27225 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахрирлат компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ. Муҳасхих — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 22.00. 1 2 3 4 5 6